QMMB: 09/24/325/0417-son
14.06.2024-y.

# O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 11 » iyun № 325 Toshkent sh.

## 2024 йил ҳосилидан буғдой харид қилиш ва ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ғалла етиштириш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 15 ноябрдаги ПҚ–10-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, ғалла бозорини эркинлаштириш бўйича ислоҳотларни давом эттириш, ички бозорни буғдой ва ун маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда уларнинг нархлари барқарорлигини сақлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг 2024 йил ҳосилидан суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача **2,5 тоннадан** жами **2 млн 550 минг тонна буғдой**нинг, жумладан:

**1 млн 513 минг тонна**сини фермер хўжаликлари ҳамда бошқа буғдой етиштирувчилар (кейинги ўринларда – буғдой етиштирувчилар) томонидан кейинчалик биржа савдоларида сотиш учун Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (кейинги ўринларда – Жамғарма) тижорат вакилида вақтинчалик сақлашга қабул қилиш;

**837 минг тонна**сини товар буғдой давлат ресурси сифатида;

**200 минг тоннаси**ни **уруғлик учун** Жамғарма маблағлари ҳисобидан харид қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгиланснки, 2024 йил ғалла ҳосилидан бошлаб **буғдойни сақлаш қувватига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар** Жамғарма номидан буғдой етиштирувчилардан товар буғдойни харид қилиш, қабул қилиш ва сақлаш, шунингдек, харидорларга юклаб жўнатиш ишларини амалга ошириш бўйича **тижорат вакили** (кейинги ўринларда – Жамғарманинг тижорат вакили) ҳисобланади. Бунда Жамғарманинг тижорат вакили:

товар буғдойни харид қилиш ва сотиш бўйича буғдой етиштирувчилар ҳамда Жамғарма билан белгиланган шаклдаги электрон ҳисобварақ-фактурани расмийлаштиради ва ҳисобини алоҳида юритади;

QMMB: 09/24/325/0417-son
14.06.2024-y.



буғдойни қабул қилиш ва омбордан чиқариш жараёнида “d-xarid.uz” ахборот тизимига киритиладиган молиявий ҳисоб-китоблар ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига шахсан жавобгар ҳисобланади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил ғалла ҳосилидан бошлаб:

давлат ресурси сифатида товар буғдойни харид қилиш жараёнида қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмайди ва сотишда солиқ солиш базасига киритилмайди;

устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган тижорат банклари томонидан Жамғарманинг тижорат вакили ҳисобварағидаги дебит айланмасидан давлат ресурси сифатида товар буғдойни харид қилиш жараёнида банк хизматлари ундирилмайди;

давлат ресурси сифатида ҳамда вақтинча сақлашга қабул қилинадиган буғдойнинг сифати, сақланиши ҳамда харидорларга юклаб жўнатилишида товар буғдойнинг сифати бўйича назорат Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда – “Ўзагроинспекция”) томонидан амалга оширилади;

Жамғарманинг тижорат вакили “Ўзагроинспекция” назорати остида давлат ресурси сифатида сақланаётган товар буғдой ҳажмларини икки йилда бир маротаба тўлиқ хатловдан ўтказади, аввалги йилларда ўтказилган ва хатлов даврида қолдиқда турган товар буғдой партияларининг табиий камайишига йўл қўймайди.

4. Қуйидагилар:

2024 йил ҳосилидан вақтинчалик сақлаш, давлат ресурси ва уруғлик учун буғдойни қабул қилиш омборлари дислокацияси **1-иловага** мувофиқ;

2024 йил ҳосилидан давлат ресурси сифатида харид қилинадиган буғдой нархларини аниқлаш коэффициентлари **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** давлат ресурси сифатида харид қилинадиган ва вақтинча сақлаш учун қабул қилинадиган ҳамда уруғлик буғдой ҳажмларини буғдой етиштирувчилар кесимида тасдиқлаш юзасидан **ўз қарорларини қабул қилсинлар.**

Давлат ресурси сифатида харид қилинадиган буғдой учун тўловлар 2024 йилнинг март-май ойларида Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржасида (кейинги ўринларда – Биржа) 3-синф буғдой учун шаклланган ўртача нархдан (ўртача котировкадан) келиб чиққан ҳолда, буғдой топширилган кундан эътиборан **икки ҳафта муддатда** буғдой етиштирувчиларнинг махсус ҳисобварақларига тўлиқ ўтказилсин.

Биржа **уч кун муддатда** ўзининг расмий веб-саҳифасига 2024 йилнинг март-май ойларида биржа савдоларида 3-синф буғдой учун шаклланган ўртача нарх тўғрисидаги маълумотларни туманлар кесимида жойлаштирсин.

QMMB: 09/24/325/0417-son
14.06.2024-y.



Вақтинча сақлаш учун қабул қилинадиган товар буғдойни сақлаш харажатлари Жамғарманинг тижорат вакили ва буғдой етиштирувчилар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ **2025 йил 1 январга қадар** Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳамда ушбу буғдойни ташиб келтириш учун транспорт, қабул қилиш ва харидорларга юклаб жўнатиш харажатлари **буғдой етиштирувчилар ҳисобидан амалга оширилсин**.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки:

Жамғарма маблағлари ҳисобидан давлат ресурси сифатида 2022-2023 йиллар ва 2024 йилда харид қилинган, шунингдек, вақтинча сақлашга қабул қилинган 5 ва ундан юқори синфлардаги товар буғдой барча хўжалик юритувчи субъектларга биржа савдолари орқали чекловларсиз сотилади;

донни қайта ишлаш қувватига эга бўлган буғдой етиштирувчилар ўзлари етиштирган, шунингдек, Жамғарманинг тижорат вакили сифатида ўз омборларига вақтинча сақлаш учун қабул қилган товар буғдойдан 75 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ун ишлаб чиқариш ва биржа савдолари орқали сотиш мажбуриятини олганда, товар буғдойни график асосида қайта ишлаб сотишга рухсат берилади.

7. Вақтинча сақлашга қабул қилинадиган буғдойни биржа савдоларида сотишдан тушган маблағлар, биринчи навбатда, Жамғарма маблағлари ҳисобидан буғдой етиштириш харажатларини молиялаштиришга ажратилган кредит ҳамда уруғлик буғдойдан юзага келган қарздорликни сўндиришга йўналтирилсин.

8. Уруғлик буғдой тайёрлаш корхоналари томонидан уруғлик буғдойнинг ҳар бир тоннаси 2024 йилнинг март-май ойларида Биржада 3-синф буғдой учун шаклланган ўртача нархда (ўртача котировка) Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигига оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 12 октябрдаги 641-сон қарорида бошоқли дон уруғларининг авлодлари учун белгиланган устамалар ҳисобга олинган ҳолда харид қилинсин. Бунда:

Жамғарма уруғлик буғдойни харид қилиш, тайёрлаш ва суғурта харажатларини кредитлаш учун 12 ой муддатга (шундан 6 ой имтиёзли давр билан), Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг 50 фоизи миқдорида (шундан банк маржаси 4 фоиз) кредит ресурсларини уруғлик буғдой тайёрлаш корхоналарига хизмат кўрсатувчи тижорат банкларига жойлаштиради;

тижорат банклари ушбу кредит ресурслари ҳисобидан уруғлик буғдой тайёрлаш корхоналарига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг **50 фоизи** миқдорида **12 ой муддатга** (шундан 6 ой имтиёзли давр билан) кредит ажратади.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

а) **ўн кун муддатда**:

Транспорт вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2024 йил учун буғдой ҳосилини ташишнинг тавсиявий тарифини;

QMMB: 09/24/325/0417-son
14.06.2024-y.



Жамғарманинг тижорат вакиллари ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан биргаликда буғдойни қабул қилиш, сақлаш ва харидорларга юклаб жўнатиш бўйича хизматлар тарифининг энг юқори чекланган даражасини тасдиқласин ва жойларга етказилишини таъминласин;

б) Жамғарма ва Биржа билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари томонидан буғдой етиштирувчилар кесимида тасдиқланган вақтинча сақлаш учун қабул қилинадиган буғдойни биржа савдоларига қўйиш бўйича ойлик графикларни умумлаштирган ҳолда тасдиқласин ҳамда келгуси ойда биржа савдоларига қўйиладиган буғдой ҳажмларини **жорий ойнинг 30-санасига қадар** Биржанинг расмий веб-саҳифасига жойлаштириб борсин;

в) Жамғарма билан биргаликда:

давлат ресурси сифатида харид қилинадиган буғдойни биржа савдоларига қўйиш бўйича ойлик графикни **2024 йил 30 сентябрга қадар** ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

келгуси ойларда биржа савдоларига қўйиладиган буғдой тўғрисидаги маълумотларни календарь ой бошланишидан **икки кун олдин** Биржанинг расмий веб-саҳифасига жойлаштириш учун тақдим этиб борсин;

зарур ҳолларда, ички бозорда нарх барқарорлигини сақлаш мақсадида буғдой танқислиги кузатилган ҳудудлар учун биржа савдоларига қўшимча буғдой қўйиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Бунда Жамғарманинг тижорат вакиллари томонидан буғдой танқислиги кузатилган ҳудудларда товар буғдойни харид қилиш ва сотиш жараёнида қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмайди ва сотишда солиқ солиш базасига киритилмайди.

10. Вақтинча сақлашга қабул қилинадиган буғдой биржа савдоларига ойма-ой график асосида қўйилишини инобатга олиб, 2024 йил ҳосили учун буғдой етиштириш харажатларини молиялаштиришга ажратилган кредитларни қайтариш муддати, истисно тариқасида, **2025 йил 1 январга қадар** узайтирилсин.

Бунда Жамғарма томонидан 2024 йил ҳосили учун буғдой етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларига жойлаштирилган кредит ресурсларини қайтариш муддати мутаносиб равишда узайтирилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига:

биржа савдоларидан буғдой харид қилган ёки мазкур қарорнинг 5-бандига мувофиқ буғдойни қайта ишлашга йўналтирган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган ун маҳсулотларининг биржа савдоларига график асосида чиқарилиши устидан доимий назорат ўрнатиш вазифаси юклансин;

зарур ҳолларда, бир савдо сессиясида бир харидор томонидан харид қилинадиган буғдой ва ун маҳсулотларининг максимал миқдорини (лимитини) белгилаш ҳамда унга ўзгартиришлар киритиш ваколати берилсин.

QMMB: 09/24/325/0417-son
14.06.2024-y.



12. Давлат захирасидаги буғдой Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси ҳамда Жамғарманинг ёзма кўрсатмасига асосан икки йилда бир марта Жамғарманинг тижорат вакили томонидан харид қилинадиган янги ҳосилни жамлаш ва аввал захирада сақланган буғдойни биржа савдоларига чиқариш орқали янгилансин.

Бунда буғдойни янгилаш жараёнида ажратиб олинадиган донли аралашма (оралиқ маҳсулот) биржа савдолари орқали сотилади ҳамда юзага келган салбий фарқ ва қўшимча харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади.

13. Жамғарма томонидан тижорат вакилига ўтказиб бериладиган ва қайтариладиган маблағлар ҳамда вақтинча сақлаш учун буғдой топширган буғдой етиштирувчиларнинг маҳсулот сотишдан тушган маблағлари ҳаракати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ундирувга қаратилмайдиган махсус мақсадли ҳисобварақларда амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига ва Марказий банкка 2024 йил ҳосилидан буғдой харид қилиш ва сотишда шаффофликни таъминланиши, тўловлар ўз вақтида амалга оширилиши ҳамда ажратилган кредитлар сўндирилиши устидан кунлик назорат ўрнатиш тавсия этилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда йўлларда ғалла ўриш ва дон ташиш техникаларининг ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, ғалла майдонларида ёнғин келиб чиқишининг олдини олиш, шунингдек, етиштирилган ҳосилни талон-торож қилинишига йўл қўймаслик юзасидан зарур чораларни кўрсинлар.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/24/325/0417-son
14.06.2024-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “11” июндаги 325-сон қарорига
1-илова

**2024 йил ҳосилидан вақтинчалик сақлаш, давлат ресурси ва уруғлик учун буғдойни қабул қилиш омборлари**
**ДИСЛОКАЦИЯСИ**

*тонна*

| Т/р | Корхоналар номи | Жами қабул қилинадиган буғдой | Шу жумладан: | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | товар буғдой | шундан: | | уруғлик буғдой |
| | | | | давлат ресурси сифатида харид қилинадиган буғдой | вақтинча сақлашга қабул қилинадиган буғдой | |
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | | | | | | |
| 1. | “Қорақалпоқдонмаҳсулотлари” АЖ | 24 833 | 24 833 | 20 932 | 3 901 | |
| 2. | “Чимбойдонмаҳсулотлари” МЧЖ | 12 770 | 12 170 | | 12 170 | 600 |
| 3. | “Қўнғирот ун заводи” АЖ | 12 354 | 11 904 | 8 685 | 3 219 | 450 |
| 4. | “Тўрткўлдонмаҳсулотлари” МЧЖ | 12 184 | 12 184 | 8 483 | 3 701 | |
| 5. | “Тўрткўл пахта толаси агро кластер” МЧЖ | 4 832 | 4 032 | | 4 032 | 800 |
| 6. | “Bulding house one” МЧЖ | 4 800 | 4 000 | | 4 000 | 800 |
| 7. | “Гулдурсин ғалла кластер” МЧЖ | 4 000 | 4 000 | | 4 000 | |
| 8. | “Қипчоқ ғалла кластер” МЧЖ | 4 000 | 4 000 | | 4 000 | |
| 9. | “Тахиатошдонмаҳсулотлари” АЖ | 22 377 | 19 677 | | 19 677 | 2 700 |
| 10. | “Дон кластер” МЧЖ | 500 | | | | 500 |
| 11. | “No'kus best-seeds” МЧЖ (“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси) | 4 150 | | | | 4 150 |
| **Жами:** | | **106 800** | **96 800** | **38 100** | **58 700** | **10 000** |

| Т/р | Корхоналар номи | Жами қабул қилинадиган буғдой | Шу жумладан: | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | товар буғдой | шундан: | | уруғлик буғдой |
| | | | | давлат ресурси сифатида харид қилинадиган буғдой | вақтинча сақлашга қабул қилинадиган буғдой | |
| **Андижон вилояти** | | | | | | |
| 1. | “Андижондонмаҳсулотлари” АЖ | 72 119 | 66 100 | 23 906 | 42 194 | 6 019 |
| 2. | “Асакадонмаҳсулотлари” АЖ | 65 088 | 61 838 | 21 320 | 40 518 | 3 250 |
| 3. | “Қўрғонтепадонмаҳсулотлари” АЖ | 52 452 | 48 612 | 16 974 | 31 638 | 3 840 |
| 4. | “Andijon best-seeds” МЧЖ (“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси) | 2 141 | | | | 2 141 |
| | **Жами:** | **191 800** | **176 550** | **62 200** | **114 350** | **15 250** |
| **Бухоро вилояти** | | | | | | |
| 1. | “Бухородонмаҳсулотлари” АЖ | 59 291 | 55 843 | 11 674 | 44 169 | 3 448 |
| 2. | “Қоракўлдонмаҳсулотлари” АЖ | 14 718 | 14 718 | 5 243 | 9 475 | |
| 3. | “Когондонмаҳсулотлари” АЖ | 33 127 | 33 127 | 20 024 | 13 103 | |
| 4. | “Buxara best seeds» МЧЖ («Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси) | 3 703 | | | | 3 703 |
| 5. | “Яккатут пахтачилик, ғаллачилик, шоличилик ва уруғчилик” кластери | 49 763 | 43 112 | 15 359 | 27 753 | 6 651 |
| 6. | “Ромитан супер элита уруғчилик” МЧЖ | 160 | | | | 160 |
| 7. | “Когон асл элита уруғчилик” МЧЖ | 207 | | | | 207 |
| 8. | “Бухоро асл элита уруғчилик” МЧЖ | 588 | | | | 588 |
| 9. | “Вобкент элита уруғчилик” МЧЖ | 254 | | | | 254 |
| 10. | “Ғиждувон супер элита уруғчилиги” МЧЖ | 420 | | | | 420 |

| Т/р | Корхоналар номи | Жами қабул қилинадиган буғдой | Шу жумладан: | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | товар буғдой | шундан: | | уруғлик буғдой |
| | | | | давлат ресурси сифатида харид қилинадиган буғдой | вақтинча сақлашга қабул қилинадиган буғдой | |
| 11. | “Buxara seed cluster” МЧЖ | 669 | | | | 669 |
| **Жами:** | | **162 900** | **146 800** | **52 300** | **94 500** | **16 100** |
| **Жиззах вилояти** | | | | | | |
| 1. | “Жиззахдонмаҳсулотлари” АЖ * | 68 895 | 62 186 | 25 374 | 36 812 | 6 709 |
| 2. | “Зарбдор элеватори” АЖ * | 39 822 | 39 822 | 14 304 | 25 518 | |
| 3. | “Дўстликдонмаҳсулотлари” АЖ * | 95 172 | 89 821 | 32 422 | 57 399 | 5 351 |
| 4. | “Дафна ифори” МЧЖ | 7 000 | 7 000 | | 7 000 | |
| 5. | “Silverleafe” МЧЖ ҚК | 3 471 | 3 471 | | 3 471 | |
| 6. | “Do'stlik best-seeds” МЧЖ (“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси) | 568 | | | | 568 |
| 7. | “Дўстлик тумани элита уруғчилик хўжалиги” МЧЖ | 140 | | | | 140 |
| 8. | Зарбдор тумани “Ютуқ майдони” уруғчилик фермер хўжалиги | 568 | | | | 568 |
| 9. | “Ш.Рашидов тумани элита уруғчилик хўжалиги” МЧЖ | 120 | | | | 120 |
| 10. | “Пахтакор тумани элита уруғчилик хўжалиги” МЧЖ | 150 | | | | 150 |
| 11. | “Семуруғ кластер” МЧЖ | 375 | | | | 375 |
| 12. | “Пахтакор сара бошоқ даласи” МЧЖ | 319 | | | | 319 |
| **Жами:** | | **216 600** | **202 300** | **72 100** | **130 200** | **14 300** |

| Т/р | Корхоналар номи | Жами қабул қилинадиган буғдой | Шу жумладан: | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | товар буғдой | шундан: | | уруғлик буғдой |
| | | | | давлат ресурси сифатида харид қилинадиган буғдой | вақтинча сақлашга қабул қилинадиган буғдой | |
| **Қашқадарё вилояти** | | | | | | |
| 1. | “Қашқадарёдонмаҳсулотлари” АЖ * | 31 800 | 29 100 | 13 800 | 15 300 | 2 700 |
| 2. | “Косон ДМҚҚ” МЧЖ * | 78 400 | 71 900 | 26 200 | 45 700 | 6 500 |
| 3. | “Дон-халқ ризқи” АЖ | 41 500 | 39 800 | 15 200 | 24 600 | 1 700 |
| 4. | “Дунё-М” АЖ * | 60 900 | 58 100 | 40 500 | 17 600 | 2 800 |
| 5. | “Қамаши ДҚҚ” МЧЖ | 27 050 | 27 050 | 19 100 | 7 950 | |
| 6. | “Индорама агро” МЧЖ | 45 900 | 41 900 | | 41 900 | 4 000 |
| 7. | “Yakkabog' best-seeds” МЧЖ (“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси) | 6 200 | | | | 6 200 |
| 8. | “Nishon new don best-seeds” МЧЖ (“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси) | 2 900 | | | | 2 900 |
| 9. | “Kasbi don best-seeds” МЧЖ (“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси) | 2 700 | | | | 2 700 |
| 10. | “EMG inter investment” МЧЖ ХК | 3 100 | 3 100 | | 3 100 | |
| 11. | “Қамаши олтин бошоқлари кластер” МЧЖ | 17 150 | 17 150 | | 17 150 | |
| 12. | “Касби дон агро кластер” МЧЖ | 14 100 | 14 100 | | 14 100 | |
| 13. | “Нишон кластер теххизмат МТП” МЧЖ | 4 400 | 4 400 | | 4 400 | |
| 14. | “Агродон ААА” МЧЖ | 7 500 | 7 500 | | 7 500 | |
| 15. | “Shodlik paxta don klaster” МЧЖ | 8 000 | 8 000 | | 8 000 | |
| **Жами:** | | **351 600** | **322 100** | **114 800** | **207 300** | **29 500** |

| Т/р | Корхоналар номи | Жами қабул қилинадиган буғдой | Шу жумладан: | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | товар буғдой | шундан: | | уруғлик буғдой |
| | | | | давлат ресурси сифатида харид қилинадиган буғдой | вақтинча сақлашга қабул қилинадиган буғдой | |
| **Навоий вилояти** | | | | | | |
| 1. | “Навоийдонмаҳсулотлари” АЖ | 46 532 | 43 536 | 19 555 | 23 981 | 2996 |
| 2. | “Қизилтепа ун заводи” АЖ | 21 486 | 21 486 | 7 745 | 13 741 | |
| 3. | “Сарой уни” МЧЖ | 11 578 | 11 578 | | 11 578 | |
| 4. | “Navoiy-g'alla best-seeds” МЧЖ (“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси) | 3 704 | | | | 3 704 |
| **Жами:** | | **83 300** | **76 600** | **27 300** | **49 300** | **6 700** |
| **Наманган вилояти** | | | | | | |
| 1. | “Намангандонмаҳсулотлари” АЖ * | 73 748 | 73 748 | 35 880 | 37 868 | |
| 2. | “Учқўрғондонмаҳсулотлари” АЖ | 54 183 | 54 183 | 24 020 | 30 163 | |
| 3. | “Попдонмаҳсулотлари” АЖ | 42 169 | 42 169 | | 42 169 | |
| 4. | “Uchqo'rg'on best-seeds” МЧЖ (“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси) | 4 719 | | | | 4 719 |
| 5. | “Chortoq don best-seeds” МЧЖ (“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси) | 5 594 | | | | 5 594 |
| 6. | Элита уруғчилик хўжаликлари (“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси) | 461 | | | | 461 |
| 7. | “NAM seeds” МЧЖ | 226 | | | | 226 |
| **Жами:** | | **181 100** | **170 100** | **59 900** | **110 200** | **11 000** |

| Т/р | Корхоналар номи | Жами қабул қилинадиган буғдой | Шу жумладан: | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | товар буғдой | шундан: | | уруғлик буғдой |
| | | | | давлат ресурси сифатида харид қилинадиган буғдой | вақтинча сақлашга қабул қилинадиган буғдой | |
| | **Самарқанд вилояти** | | | | | |
| 1. | “Самарқанддонмаҳсулотлари” АЖ | 47 840 | 44 593 | 18 071 | 26 522 | 3 247 |
| 2. | “Оқтош дон” АЖ | 26 883 | 24 949 | 11 434 | 13 515 | 1 934 |
| 3. | “Жума элеватори” АЖ | 41 964 | 41 964 | 38 438 | 3 526 | |
| 4. | “Жомбойдонмаҳсулотлари” АЖ | 15 246 | 14 045 | 8 207 | 5 838 | 1 201 |
| 5. | “Каттаминг уруғчилик кластери” МЧЖ | 1 792 | | | | 1 792 |
| 6. | “Motrud best-seeds” МЧЖ (“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси) | 2 488 | | | | 2 488 |
| 7. | “Zirabuloq best-seeds” МЧЖ (“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси) | 1 485 | | | | 1 485 |
| 8. | “Pet agro oil” МЧЖ | 38 606 | 38 606 | | 38 606 | |
| 9. | “Afrosiyob jins tekstil” МЧЖ | 21 545 | 21 545 | | 21 545 | |
| 10. | “Maroqand sifat tekstil” МЧЖ | 6 556 | 6 556 | | 6 556 | |
| 11. | “Мирзаев Шухрат Кенжаевич” фермер хўжалиги | 9 941 | 9 462 | | 9 462 | 479 |
| 12. | “Kattakurgan g'alla cluster” МЧЖ | 13 030 | 13 030 | | 13 030 | |
| 13. | “Самарқанд-Иштихон элита уруғчилик хўжалиги” МЧЖ | 142 | | | | 142 |
| 14. | “Каттақўрғон элита уруғчилик хўжалиги” МЧЖ | 128 | | | | 128 |
| 15. | “Пахтачи элита уруғчилик хўжалиги” МЧЖ | 128 | | | | 128 |
| 16. | “Пайариқ элита уруғчилик хўжалиги” МЧЖ | 113 | | | | 113 |

| Т/р | Корхоналар номи | Жами қабул қилинадиган буғдой | Шу жумладан: | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | товар буғдой | шундан: | | уруғлик буғдой |
| | | | | давлат ресурси сифатида харид қилинадиган буғдой | вақтинча сақлашга қабул қилинадиган буғдой | |
| 17. | “Пастдарғом элита уруғчилик хўжалиги” МЧЖ | 113 | | | | 113 |
| **Жами:** | | **228 000** | **214 750** | **76 150** | **138 600** | **13 250** |
| **Сурхондарё вилояти** | | | | | | |
| 1. | “Сурхондарёдонмаҳсулотлари” АЖ | 87 371 | 80 697 | 28 227 | 52 470 | 6 674 |
| 2. | “Шўрчидонмаҳсулотлари” АЖ | 113 183 | 105 457 | 45 973 | 59 484 | 7 726 |
| 3. | “Jarqo'rg'on best-seeds” МЧЖ (“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси) | 3 800 | | | | 3 800 |
| 4. | “Муҳаббат Аловутдин Аттор” МЧЖ | 11 023 | 11 023 | | 11 023 | |
| 5. | “Бек агро экспорт” МЧЖ | 11 023 | 11 023 | | 11 023 | |
| **Жами:** | | **226 400** | **208 200** | **74 200** | **134 000** | **18 200** |
| **Сирдарё вилояти** | | | | | | |
| 1. | “Оқолтиндонмаҳсулотлари” АЖ * | 112 676 | 106 176 | 41 489 | 64 687 | 6 500 |
| 2. | “Ховосдонмаҳсулотлари” АЖ * | 43 313 | 43 313 | 24 311 | 19 002 | |
| 3. | “Индорама агро” МЧЖ | 28 940 | 28 940 | | 28 940 | |
| 4. | “Poli tex Sirdaryo” МЧЖ | 2 700 | | | | 2 700 |
| 5. | “Бобур қишлоқ хўжалиги” МЧЖ | 5 373 | 5 373 | | 5 373 | |
| 6. | “Сардоба ғалла кластер” МЧЖ | 898 | 898 | | 898 | |

| Т/р | Корхоналар номи | Жами қабул қилинадиган буғдой | Шу жумладан: | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | товар буғдой | шундан: | | уруғлик буғдой |
| | | | | давлат ресурси сифатида харид қилинадиган буғдой | вақтинча сақлашга қабул қилинадиган буғдой | |
| 7. | “Oqoltin best-seeds” МЧЖ (“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси) | 7 400 | | | | 7 400 |
| **Жами:** | | **201 300** | **184 700** | **65 800** | **118 900** | **16 600** |
| **Тошкент вилояти** | | | | | | |
| 1. | “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖ | 98 642 | 91 864 | 32 056 | 59 808 | 6 778 |
| 2. | “Оҳангарон дон” АЖ | 120 411 | 115 130 | 40 174 | 74 956 | 5 281 |
| 3. | “Ғалла-Алтег” АЖ | 35 306 | 35 306 | 12 320 | 22 986 | |
| 4. | “TST agroklaster” МЧЖ | 1 000 | | | | 1 000 |
| 5. | “Tashkent best-seeds” МЧЖ (“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси) | 4 671 | | | | 4 671 |
| 6. | “Yuqorichirchiq best-seeds” МЧЖ (“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси) | 4 170 | | | | 4 170 |
| **Жами:** | | **264 200** | **242 300** | **84 550** | **157 750** | **21 900** |
| **Фарғона вилояти** | | | | | | |
| 1. | “Фарғонадонмаҳсулотлари” АЖ | 44 400 | 41 700 | 27 041 | 14 659 | 2 700 |
| 2. | “Боғдоддонмаҳсулотлари” АЖ | 50 200 | 50 200 | 22 000 | 28 200 | |
| 3. | “Қўқондонмаҳсулотлари” АЖ * | 76 435 | 69 150 | 25 313 | 43 837 | 7 285 |
| 4. | “Қувадонмаҳсулотлари” АЖ | 7 980 | 6 380 | 4 567 | 1 813 | 1 600 |
| 5. | “Eko green trede 777” МЧЖ | 33 300 | 33 300 | | 33 300 | |

| Т/р | Корхоналар номи | Жами қабул қилинадиган буғдой | Шу жумладан: | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | товар буғдой | шундан: | | уруғлик буғдой |
| | | | | давлат ресурси сифатида харид қилинадиган буғдой | вақтинча сақлашга қабул қилинадиган буғдой | |
| 6. | “Барака Қува ун” МЧЖ | 7 920 | 7 920 | 3 279 | 4 641 | |
| 7. | “Фарғона дон кластер” МЧЖ | 22 400 | 19 100 | | 19 100 | 3 300 |
| 8. | “Сўхдонмаҳсулотлари” МЧЖ | 1 000 | 1 000 | | 1 000 | |
| 9. | “Bag'dod best-seeds” МЧЖ (“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси) | 3 100 | | | | 3 100 |
| 10. | “Фурқат дон кластер” МЧЖ | 415 | | | | 415 |
| 11. | “Риштон сара уруғлари” МЧЖ | 1 300 | | | | 1 300 |
| 12. | “Beshariq Crusher” МЧЖ | 3 150 | 3 150 | | 3 150 | |
| **Жами:** | | **251 600** | **231 900** | **82 200** | **149 700** | **19 700** |
| **Хоразм вилояти** | | | | | | |
| 1. | “Хоразмдонмаҳсулотлари” АЖ | 6 205 | 6 205 | 3 286 | 2 919 | |
| 2. | “Боғот дон” АЖ | 13 690 | 13 690 | 8 745 | 4 945 | |
| 3. | “Хонқадонмаҳсулотлари” АЖ | 10 950 | 10 950 | 7 827 | 3 123 | |
| 4. | “Urganch best-seeds” МЧЖ (“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси) | 2 400 | | | | 2 400 |
| 5. | “Хоразм фахри уруғчилик кластери” МЧЖ | 3 781 | | | | 3 781 |
| 6. | “Хонқа табиий маҳсулот” МЧЖ | 7 382 | 7 382 | | 7 382 | |
| 7. | “Қўшкўпир само кластер” МЧЖ | 8 213 | 8 213 | | 8 213 | |
| 8. | “Умида” фермер хўжалиги | 3 874 | 3 874 | | 3 874 | |

| Т/р | Корхоналар номи | Жами қабул қилинадиган буғдой | Шу жумладан: | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | товар буғдой | шундан: | | уруғлик буғдой |
| | | | | давлат ресурси сифатида харид қилинадиган буғдой | вақтинча сақлашга қабул қилинадиган буғдой | |
| 9. | “Шовот дон” МЧЖ | 7 114 | 7 114 | 5 246 | 1 868 | |
| 10. | “Питнак агро дон” МЧЖ | 3 710 | 3 710 | 2 296 | 1 414 | |
| 11. | “Гурлан дон қабул қилиш” МЧЖ | 8 257 | 8 257 | | 8 257 | |
| 12. | “Хоразм нурли замин” фермер хўжалиги | 8 381 | 7 505 | | 7 505 | 876 |
| 13. | “Боғот” элита уруғчилик хўжалиги | 134 | | | | 134 |
| 14. | “Гурлан” элита уруғчилик хўжалиги | 134 | | | | 134 |
| 15. | “Хонқа” элита уруғчилик хўжалиги | 102 | | | | 102 |
| 16. | “Хива” элита уруғчилик хўжалиги | 73 | | | | 73 |
| **Жами:** | | **84 400** | **76 900** | **27 400** | **49 500** | **7 500** |
| **Республика бўйича жами:** | | **2 550 000** | **2 350 000** | **837 000** | **1 513 000** | **200 000** |

**Изоҳ.*** *“Ўзагроинспекция” томонидан буғдойни қабул қилиш, сақлаш ва харидорларга юклаб жўнатиш жараёнида юзага келадиган табиий камайиш миқдорини дон қабул қилиш шахобчаларида 2 фоиздан ҳамда бош корхона элеватори ва омборларида 1 фоиздан юқори бўлмаслиги устидан доимий назорат ўрнатилади.*

*Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2024 йил ҳосили бўйича апробация натижаларига кўра, ушбу дислокацияга дон корхоналари кесимида ўзгартиришлар киритиш ваколати берилади.*

*Буғдой етиштирувчилар ўз хоҳишига кўра, етиштирилган товар буғдойни вақтинча сақлаш учун белгиланган дислокациядан ортиқча топшириши мумкин. Бунда дислокациядан ортиқча топширилган товар буғдойни 2025 йил 1 январга қадар сақлаш харажатлари Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.*

QMMB: 09/24/325/0417-son
14.06.2024-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “11” июндаги 325-сон қарорига
2-илова

**2024 йил ҳосилидан давлат ресурси сифатида харид қилинадиган буғдой нархларини аниқлаш**

**КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ**

| **Буғдой синфлари** | **Клейковина миқдори** (фоиздан кам бўлмаганда) | **Қўлланиладиган коэффициент** |
|---|---|---|
| **Қаттиқ буғдой** | | |
| 1 синф | 28 | 1,641 |
| 2 синф | 25 | 1,447 |
| 3 синф | 22 | 1,316 |
| 4 синф | 18 | 1,000 |
| **Юмшоқ буғдой** | | |
| 1 синф | 32 | 1,366 |
| 2 синф | 28 | 1,162 |
| **3 синф** | **23** | **1,000** |
| 4 синф | 18 | 0,895 |
| 5 синф қаттиқ ва юмшоқ буғдой | чегараланмаган | 0,827 |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1